



Бутун дунё пролетарлари, бирлашининг!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 197 (9843)

1990 йил
16 октябрь
сешанба

Баҳоси 3 тийин.

КПСС ПРОГРАММАСИНИНГ ЛОЙИХАСИНИ
ТАЙЁРЛАЙДИГАН КПСС XXVIII СЪЕЗДИ
КОМИССИЯСИНИНГ
МУРОЖААТНОМАСИ
СОВЕТ ИТТИФОҚИ
КОММУНИСТЛАРИГА, ФУҚАРОЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!
Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёнини қабул қилди. Унда КПССнинг янги Программаси қабул этилганга қадар коммунистлар, партия ташкилотлари ва партия органлари амал қилиши лозим бўлган гоёвий-назарий фикрлар ва сиёсий мақсадлар баён этилган. Айтиш мумкин, съезд комиссияси тузиб, унга КПССнинг бўлажак программаси лойиҳасини ишлаб чиқишни ва уни 1991 йилининг биринчи ярмида партияда муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилишни топширди. Умумпартия мунозараси тугагач, КПССнинг янги дастури партиянинг Бутуниттифок конференциясида ёки съездеда 1992 йилининг биринчи ярмида кенгитирмай кўриб чиқиши лозим.

КПСС XXVIII съездида умумбашарий қадриятларга ва социалистик анъаналарга асосланган инсонпарвар, халқчил социализм жамиятига ўтиш партиянинг бosh мақсади қилиб белгиланди. Мамлакат ҳал қилувчи ўзгаришларни бошламоқда, бу ўзгаришлар жамиятининг йиллар ва ўн йилликлар мобайнидаги тараққийини таъминлаб беради.

КПСС XXVIII съездининг КПСС Дастури лойиҳасини тайёрловчи комиссияси Совет Иттифоқининг барча коммунистларига, фуқароларига мурожаат этиб, партияимизнинг бўлажак дастурини яратишда манфаддорлик билан фойда катнашишни таклиф қилади.

Биз ишчи ва деҳқонларни, олимлар ва инженерларни, ўқитувчилар ва маданият арбобларини, касеба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва ижодий уюшмаларнинг намояндаларини, муштарак ишга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр бўлган барча кишиларни мулоқотга ва ҳамкорликка чорлаймиз. Коммунистик социалистик масаладаги турли ҳақоратлар ва ташкилотларидан, мамлакат ичкериси ва ташқирисидagi жамоат ташкилотларидан тугадиган таклифларни миннатдорчилик билан қабул этади. Биз КПСС Программасини тайёрловчи муҳим вазифани ҳал этиш ҳеч қачон беваро қолдирмаслигига ишонамиз ва унда қиламиз.

Ўз таклифларингизни қуйдаги манзилга юборинг: Москва, Старая площадь 4-уй, КПСС Марказий Комитети, КПСС Программаси дастурини тайёрловчи комиссияси.

КРЕМЛДА УЧРАШУВ

13 октябрь куни СССР Президенти М. С. Горбачев иттифокдош жумҳуриятларнинг раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркменистон вакиллари қатнашди.

Учрашув чоғида мамлакатда юзага келган аҳвол тўғрисида, жамият барча қатламларини жипслаштириш зарурлиги, бозор муносабатларига ўтиш йўлида халқ ҳўжалигини барқарорлаштириш хусусида муфассал фикрлашиб олинди. Жумҳуриятлар ва минтақалар фаолиятини мувофиқлаштириш, юзага келган вазиятнинг нормаллаштириш, истеъмол бозоридagi салбий жараёнларнинг олдини олиш, пул-молия системасини мустаҳкамлаш мақсадида корхоналар ўртасидаги ҳўжалик алоқаларини ривожлантириш ва тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Шу маънода 1991 йил иттифок бюджетини ва иттифокдош жумҳуриятлар бюджетларини ўртада ишларга алоқиди аҳамият берилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Учрашув қатнашчилари халқ ҳўжалигини барқарорлаштириш ва бозорга ўтиш дастурларининг лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Улар тақдим этилган дастурийн асосий йўналишнинг умуман қувватлиги, аниқгина фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳам айтдилар. Учрашув қатнашчилари ҳар томонлама мунозаралар натижасида иттифок даражасида, Олий Кенгаш доирасида бозорга ўтишининг асосий йўналишларини қабул қилиш керак бўлади, деган ақидил фикрга келдилар, уни рўйбга чиқариш

(ТАСС).

РЕЖАГА ҚЎШИМЧА

СЕГИЗБОЕВ номли шўро ҳўжалигининг Абдулла Астрақулов бошлиқ 1-бўлими пахтакорлари режаларини бажаришди. Пахта экилган ҳар гектар майдондан 29,2 центнер ўринга 31 центнердан ҳосил олинди. Унинг 132 фойзин эса машиналар бункеридан қўшилди.

Юсуф Нишонов, Аҳмад Астрақулов, Боқи Мадризаевларнинг бригадалари режаларини анча илгари бажаришган. Ҳозир бу жамоаларда гектар бошидан терилган пахта 33—34 центнерга етди.

Бўлим деҳқонлари режага қўшимча яна 150 тонна пахта териб ҳосилдорлигини 33 центнерга етказишмоқчи.

О. ТУРАҚУЛОВ,
Оққўрғон ноҳияси.

КОММУНИСТИК:

Асосан машиналарда

КОММУНИСТИК ноҳияси деҳқонлари ҳам талаба рапортига ижо экишти. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакики, ноҳия пахтакорлари бу йил баҳордан охиригача таътил қилишди. Барча агротехник, тадбирлари маромида ўтказилган даладада мулжалдан мул ҳосил етиштирилди. Илгир-теримга алоҳида таъбирлар қўрилди. Аниқса, терим агрегатлари мавсумга пухта созланди.

Бутун қўрилган ана шу ҳозирлик ўзининг самарасини берди. Ноҳия деҳқонлари давлатга режадаги 23 минг 600 тонна ўринга 24 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб бериб, йиллик режани муддатидан илгари бажардилар.

Бу талабага ноҳиядаги «Политотдел», Свердлов номли, Жамбул номли, «Правда» ва «Ленинский путь» жамоа ҳўжаликларининг пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар. Бу ҳўжаликларда йиллик режа бажарилиб, юксак мажбурият

ҳисобига пахта тоширилатганига анча бўлди.

Сўзсиз бугунги муваффақиятда механизаторлар қўшган ҳисса ниҳоятда каттадир. Бунга шу қўл-қўл таъбирланган пахтанинг қарийиб 23 минг 622 тоннаси терим агрегатлари бункеридан тўкилганлиги аққол мисолдир. Бошқача қилиб айтганда ноҳияда машина терим режаси 122 фойздан ошриб бажарилди. Бир қатор ҳўжаликлар, бригадалар режаларини тўлиқ машина терими ҳисобига адо этишди.

Йиллик марраи эгаллаган Коммунистик ноҳияси пахтакорлари теримни жадал асосида етиштиришда, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун барча ички имкониятлар, ишчи кучлари, техника воситалари сафарбар этилмоқда.

(Коммунистик ноҳияси пахтакорларининг меҳнат талабасига бағишланган мақолани рўзнома-нинг навбатдаги сониди ўқийсиз).

ОБУНА—91

ОТА-ОНАЛАРГА РАҲМАТ!

Биз ўқитувчилар 1991 йилдан рўзнома ва ойномаларга мактаб ўқувчиларини обуна қилиш анча оғирлашса керак, chunkи ота-оналар иш жойларида ўзлари обуна бўлиш билан бирга ўғил-қизларига ҳам обуна учун пул беришлари оғир бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Айрим оналарнинг мактабда бирварақайига 4—5 фарзанди бўлганда-да! Шунинг қувончлики, ҳавотирларимиз ноўрин бўлиб қолди.

Марказий ва маҳаллий рўзнома ва ойномаларга 50—100 сўмлик обуна бўлган серферзанд ота-оналардан М. Абдуллаева, Г. Усмонова, С. Юсуф-жонов, У. Абдуллаев, Б. Раҳимов қабилад кўпчилигини ташкил этмоқда.

Пойтахтдаги 70-мактабда обуна ишларининг сентябрь ойи натижалари қувончли. 9—10 синф ўқувчилари шу кунгача 60—80 фойз, бошланғич синфлар эса 100 фойз обуна бўлдилар. Бу ишда синф раҳбарлари М. Аҳмадинова, М. Хўжаев, М. Махмудова қатнашиб ибрат бўлишмоқда. Мактаб ўқувчиларидан ҳозирча 700 дан ортиқ турли наشرларга эғилишди. Ўғил-қизларига обуна учун ихтиёрий пул бериб юбораватган ота-оналарга минг раҳмат дейми.

С. СУЛТОНОВ.

ЎТГАН ЙИЛГИДАН КўП

Тошкент ноҳиясидаги Ленин номли колхоз аъзолари 11 минг 279 сўм 64 тийинлик наشرларга обуна бўлишди. Бу ўтган йилгига нисбатан 3114 сўм кўп демекдир. Раҳим Қўрбонов 101, Қодир Қасимов 103, Мухтор Мамажонов 89, Шоаббос Шожаалилов 85, Нигмат Маъмуров 82 сўм тўлаб рўзнома ва ойномаларга обуна бўлдилар. Обуначиларнинг кўпчилиги «Совет Ўзбекистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Еш ленинча», «Тошкент ҳақиқати» газеталарига ёнлалар.

Т. ЖУРАЕВ.

Шу сонга хабарлар

Олти ҳўжалик маррага етди

БҲКА (ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ОЛИНДИ). Ноҳиядан ҳар кун тўхтовсиз хўшхабарлар келиб турибди. Ўтган шанба ва якшанба кунлари ноҳиядаги олти ҳўжалик йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарди. ТИМИРЯЗЕВ номли жамоа ҳўжалиги деҳқонлари аавлатга 3050 тоннадан ортиқ пахта етказиб бериб, режани 103 фойзга адо этишди. МИЧУРИН номли жамоа ҳўжалиги деҳқонлари қабул пунктларига топширган пахта 2700 тоннага қийинлаш қолди. ЖАМБУЛ номли жамоа ҳўжалиги миришкорлари ҳам

бўш келишмаяпти. Уларнинг ҳозиргача уйган хирмонлари 2270 тоннадан ошиб кетди. «ОКТАБЕР 40 ИИЛ-ЛИГИ» жамоа ҳўжалиги пахтакорлари ҳосилни машинада териб олишининг устаси ҳисобланганда, Мавжуд агрегатлардан тўла қувват билан фойдаланган деҳқонлар йиллик режани 13 иш кунда бажаришди. Давлатга топширилган 3 минг тонна ҳосилнинг қарийиб 2900 тоннаси агрегатлар бункеридан бўшатишди. Ноҳиядаги йиллик пахтачилик ҳўжалигидан бири-ри ХАМЗА номли жамоа ҳўжалиги меҳнаткашларининг

фидокорона меҳнати туфайли давлат қабул пунктларига 5720 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Маррага етган «ЛЕНИНБОД» жамоа ҳўжалиги пахтакорлари 1030 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, 2500 тонналик хирмон уйишди.

Дастлабки доводдан ошган мазкур ҳўжаликларда йилгир-терим ишлари жадал давом этмоқда. Улар даладаги барча ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

Вилоятимиз ноҳияларида пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида 15 октябрда бўлган МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фойз ҳисобида)

Биринчи устун — ноҳиялар; иккинчи устун — бир кунда тайёрлангани, учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машина терими бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.				
Ўрта Чирчиқ	2,38	104,93	2,73	128,88
Коммунистик	2,07	103,36	2,09	122,06
Бўка	2,08	94,33	2,40	108,18
Ғалаба	2,42	91,40	2,79	105,40
Чиноа	3,00	91,24	3,68	89,32
Оққўрғон	1,93	91,22	2,08	101,03
Векобод	1,71	90,91	1,53	91,55
Пискент	2,28	90,77	2,49	91,50
Янгиқўл	2,65	77,57	2,87	
Вилоят бўйича	2,20	93,05	2,29	98,41



БҮ СУРАТЛАР Ўрта Чирчиқ ноҳиясининг талабасига салмоқли ҳисса қўшган «Северний Маяк» жамоа ҳўжалиги далаларида тасвирга туширилган. Ҳўжаликнинг илгир механизатори Азиза Тожиёва бу йил ўз машинасини унумли ишлатиб, барчага ибрат бўлди. Унинг ҳозиргача уйган хирмони 110 тоннадан ошиб кетди; йилгир-терим айлани қизган кезларда ҳам ҳўжалик партия ташкилотини дала меҳнаткашларини сўғити хўшхабарлар, аниқликлар билан ўз вақтида таништириб бори. Жамоа ҳўжалиги партия ташкилотини котиби Худойбердиев (Ўртада) Бозорбой Назанов бошлиқ бригада механизаторлари билан.

МУЛОҚОТ

250 ТАДАН ОШАДИ

ҒАЛАБА ноҳиясидаги машҳур «Огонёк» совхоз-заводи жамоасида ҳам «Тошкент ҳақиқати» рўзномасини севиб ўқиб келишди. Ҳўжалик кўп миллатли бўлишига қарамадан бу ерда обуна ишлари муваффақиятли бормоқда.

— Бу йил совхоз-завод ишчиларидан 250 киши «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига обуна бўлишди, — дейди шўро ҳўжалиги директорининг муовини, «Москва» уюшмасининг бўлими Акрам Пайзев. — Рўзнома кишини кайфиятда анча ўқимли бўлиб чиқаяпти. Унда муштарийларни қизиқтирувчи кўп материалларни ўқийсиз. Менинг бир истагим, рўзномада қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, дам олиш ва уларга кўрсатилган маданий хизмат кенгроқ яритиб боришса нур устига нур бўлур эди.

Шўро ҳўжалиги ҳудудда жойлашган 2-ноҳия касалхонаси бosh врач Фарход Сулаймоновдан хўшхабар эшитдик. Касалхона шифокорларидан 15 киши «Тошкент ҳақиқати»га эғилишди. Бу ерда рўзномага ёзиллиш давом этапти.

Х. НОСИРОВ.

СУРАТДА: (Ўртада) Акрам Пайзев ишчиларини рўзномага бағишлар билан таништирмоқда.

А. ЗУФАРОВ сурагга олган.



ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1991 йил газет ва журналлари учун обуна 31 октябрга-ча давом этади. Келаси йилда ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишад.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна истаган мuddат учун қабул қилинади. Эслатиб ўтамиз: газетанинг обуна баҳоси 1 йилга — 15 сўм 60 тийин.

